ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00413

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шахноза Эркиновна Хамрокулова
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
докторанти
hamroqulova.shahnoza@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола кичик мактаб ўқувчиларида экологик таълим-тарбия механизмларини такомиллаштиришга бағишланади. Мақолада муаллиф экологик тарбия ва экологик онгни, болалардаги ижодкорликни ўстиришга ёрдам бериш масалаларини тахлил қилади. Болаларда табиатни муҳофаза қилиш, жониворларни севиш, табиатга ғамхўрлик қилиш масалаларига хам эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: экологик таълим-тарбия, экологик онг, атрофимиздаги олам, экологик тадбир, экологик компетенция, тарбия механизми, атроф-муҳит, мақоллар, топишмоқлар.

ISSUES OF IMPROVING ECOLOGICAL EDUCATION IN SECONDARY SCHOOLS

Shakhnoza Erkinovna Khamrokulova
Doctoral student, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
hamroqulova.shahnoza@gmail.com

ABSTRACT

The article is devoted to improving the mechanisms of environmental education of primary school students. In the state, the author focuses on environmental education and the development of environmental awareness and creative abilities in it. In children, the issues of the Oxran of nature, love for living things, and care for nature are covered.

Keywords: ecological education, ecological consciousness, the world around, competition in ecology, the mechanism of education, environmental competence, environment, proverbs, riddles.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00413

КИРИШ

Экологик тарбия кейинги вақтларда ахлоқий, иқтисодий, ҳуқуқий тарбия турлари каби жуда кўп эътироф этилиб келинмоқда. Республика миқёсида кўрилаётган чора тадбирлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилаётган ҳар бир фаолиятнинг замирида келажак авлодга атроф-муҳитни эъзозлашни ўргатиш, табиий ресурсларини талафотларсиз ўзимиздан кейин қолдириш масалалари туради. XX асрдаги демографик портлаш яъни аҳолининг қисқа вақт ичида кескин ўсиши, техника ва технологиянинг ривожланиши, кимё саноатининг мисли кўрилмаган ютуқларга эришиши, фазога кўплаб космик жисмлар учиши, табиий ресурслардан фойдаланишда чек-чегарани билмаслик инсониятни хавфга қўймоқда. Бу муаммоларга нафақат қатъий чоралар кўриш, балки экологик таълим-тарбияни ривожлантириш орқали ечим топиш мумкин. 2019 йил 30 октябрда қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонга кўра – био хилма-хилликни сақлаб қолиш, қўриқланадиган ҳудудларни кенгайтириш, атроф-муҳит мониторингини кучайтириш, чиқиндисиз технологияларга ўтиш ва бошқа бир қатор масалалар кўриб чиқилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Экологик тарбия нафақат атроф-муҳит ўзгариши билан, балки қадимги даврдаёқ инсон ва табиат муносабатларини бир маромда кетиши учун долзарб масала сифатида қаралганини қадимги давр олимлари Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида учратиш мумкин. Берунийнинг “Минерология”, Бобурнинг “Бобурнома”, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” каби асарлари табиат ва жамият уйғунлиги, атроф-муҳит, географик жой номлари, ўсимликлар, табиий ресурслар ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар берувчи асарлардир. Экологик тарбияни мактабда синфдан ташқари машғулотларда, таълим тарбия жараёнида, бошқа фанларни ўқитиш билан биргаликда экологик онг ва экологик маданиятни шакллантириш масалаларини, ижтимоий экология муаммоларини юртимиз ва ҳорижда яшаётган олимлар хам тадқиқ қилганлар. И.Д.Зверев, А.Н.Захлебный, И.Т.Суравегина, Э.Турдиқулов, Н.Ж.Исакулова, Х.Ж.Худойқулов, З.Зиёмуҳамедов, Қ.Абирқулов, С.Мамашокиров, Ю.Шодиметов, Ҳ.Ю.Саломова, М.Иномова каби олимларнинг экологик таълим тарбияни олиб боришдаги илмий ишларини мисол келтириш мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00413

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

XX аср гуманистларидан бири Альберт Швейцер – “Ахлоқ – бу барча тирик организмлар олдидаги чексиз ва кенг масъулиятдир” деган эди. Тирик организмлар деганда нафақат инсонлар, балки табиий муҳитдаги барча компонентлар назарда тутилган. Табиий муҳит билан ҳар биримизнинг яшашимиз, турмуш шароитимиз ва ижтимоий ҳаётимиз чамбарчас боғлиқ эканини олимлар таъкидлаб ўтишган.

Экологик таълим тарбия борасида олдимизга қўйиладиган масалалар:

- Табиий ресурслар ва жонзотларнинг хилма-хиллиги, улар хам табиатнинг бир бўлаги эканлигини тушунчаларини сингдириш;
- Ёш авлодда табиатга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш;
- Табиий ресурслардан фойдаланишни рационал даражага кўтариш;
- Ён – атрофимиздаги бўлаётган воқеа ҳодисаларга тўғри фикр билдира олишни шакллантириш
- Болаларда ижодий баркамолликни рағбатлантириш – табиатни ҳар бир бўлагини севишга, ҳис қилишга, уларга зарар келтирмасликка, она табиатимизни асрашга, авайлашга ундаш.
- Она табиатни севиш ва авайлаш билан бирга болаларда нутқ равонлиги, расм чизиш, сўз бойлигини ошириш, табиат ва жамият уйғунликда яшашини ўргатиш асосий вазифаларимиздан бўлиши лозим.

Экологик таълим-тарбия ишлари узвий олиб борилар экан, ҳар бир педагог олдида ўқувчиларда экологик компетентликни ривожлантириш асосий масалалардан бири сифатида туради. Экологик компетентликни олимлар турлича талқин этадилар. Мактаб ўқувчиларининг ёшидан, ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб экологик компетентликни – экологик билим, малака ва кўникмаларни ўқувчилар ҳаёт давомида тўғри қўллай олишлари нуқтаи назаридан талқин этилиши керак. Ўқувчи ён-атрофдаги бўлаётган воқеа ҳодисаларга, табиатга зарар келтириш ёки зарар келтирмаслик нуқтаи-назаридан ёндаша олса, кузатувлар натижасини тўғри таҳлил этса ва ўзи амалда табиатга зарар келтирмасликка ҳаракат қилса унда ҳар бир тарбия берувчи педагог, ёки ходим ўз вазифасини тўғри бажараётган бўлади. Ўқувчиларга нафақат гапириш ва ҳикоя қилиш, балки ўқитувчи ёки ижтимоий муҳитдаги ўрнак бўла оладиган ҳар бир инсон ҳатти- ҳаракатлари орқали ўзи намуна бўлиши жуда аҳамиятлидир. Чунки тарбия нафақат гапириш, ўргатиш, балки ўрнак кўрсатиб бажариш, намуна бўлиш орқали кечадиган жараёндир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00413

Дарс муҳитида ёки мактаб ҳаётида ҳар бир жараён ахлоқий, маданий, эстетик жиҳатдан болани тарбиялайди. Экологик тарбия механизмларини шакллантириш ва такомиллаштириш билан бирга инсоний фазилатларни энг аввало ўқувчиларга оддий ва ҳаётий мисоллар билан ўргатишимиз зарур. Экологик тарбия ушбу тушунчаларни ўзлаштириш билан такомиллашади. Тозалик, поклик – яъни инсон доимо тозаликка интилиши уни нафақат жисми балки руҳиятини ҳам тозалайди, хушчақчақлик ва софдилликка етаклайди. Қушлар ва дарахтларни асраш, авайлаш – аввало жонзотларга нисбатан рахмдил бўлиш, дарахт экишни одатга айлантириш нафақат табиий балки иқтисодий эхтиёжларимизга хам хизмат қилади. Фаррошлар меҳнатини қадрлаш – тозаловчи инсонларга покизалик улашувчи инсонлар сифатида қараш, улар меҳнатини ҳурмат қилиш инсонийликни тарғиб қилади, ўзаро ҳурматни кучайтиради. Ресурслардан тўғри фойдаланиш – ресурсларни тежаш, сувни исроф қилмаслик, бошқа ресурсларни ҳам меъёрида ишлатишга ўрганиш ҳар қайси жабхада инсонларга қўл келади. Мана шу каби энг оддий тушунчаларни содда қилиб ҳаётий мисоллар билан тушунтириш ёшлар тарбиясида катта ижобий натижаларга олиб келади. Ўқитувчилар нафақат тушунтириш, балки қўшимча машғулотлар, тадбирлар, синф соатлари, тўгарак фаолиятларида хам таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Айниқса, мавзули тадбирлар, конкурслар, саводхонлик кечаларини ўтказиш ўқувчилар билимини бойитади, синфдаги ўзаро дўстлик муҳитини хам яхшилайди.

Дарсдан ташқари машғулотлар, тадбирлар, тўгараклар фаолиятининг тарбия жараёнида ҳиссаси катта. Кичик гуруҳларда ёки тўгаракларда олиб бориладиган қатор тадбирлар орқали ёшларда экологик тарбия механизмларини шакллантириш мумкин. Масалан 4 – 5 синфларда “Атрофимиздаги олам” ёки синф соати дарсларида “Табиат ва мен”, “Табиатга меҳр” деб номланган тадбирларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта мактаб ўқувчилари орасида 4 – 5 синфлар учун мўлжалланган “Атрофимиздаги олам” тадбири учун намунавий саволлар:

Синфлар 4 – 5

Ўтказишдан мақсад:

- Ўқувчиларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жонли ва жонсиз табиатга меҳр қўйиш, ғамхўрлик қилиш, экологик билимларни ўзлаштириш кўникмаларини такомиллаштириш;
- Экологик таълим-тарбияни кундалик одатларга айлантириш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00413

- Болаларда эстетик ҳис-туйғуларни ривожлантириш, ижодкорликни уйғотиш, нутқ ва равон сўзлашни ривожлантириш;

Ўтказилиш жойи ва вақти: Синф соатлари, мавзули байрамлар, фан ойликларига бағишланган тадбирлар, тўгарак машғулотларида.

Компетенция: Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият компетенцияси; нутқни ифодали ва равон, таъсирчан баён этиш компетенцияси

Кутиладиган натижалар:

- Болалар дунёқарашини ошириш;
- Табиатнинг ҳар бир бўлагини асраш, авайлашни кундалик одатларга айлантириш;
- Дарахтлар ва жониворларга нисбатан ғамхўр бўлиш;
- Атрофимиздаги бўлаётган табиий ҳодисаларни кузатиш ва ўз фикрини билдира олиш;
- Экологик билим, кўникма, малакаларни ошириш;
- Табиий бойликларни асраш, тежамкорлик билан фойдаланиш, каби билимларни шакллантиришга эришиш мумкин.

Тадбир бошланишидан олдин конкурс қоидаларини айтиб ўтиш зарур. Масалан: бериладиган вақт, баҳолаш мезонлари, шартлар. Баҳолашда кулгичлар (смайлик) дан фойдаланишимиз мумкин. Энг кўп кулгичлар тўплаган гуруҳ ғолиб бўлиши мумкин.

Бериладиган саволларни қуйидагича танлаш мақсадга мувофиқ:

1 – шарт: Гапларни тугатинг ёки нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйинг. Вазифа гап кўринишида, шер еки топишмоқ шаклида хам берилиши мумкин.

- Бугун осмонда булутлар кам, ... чарақлаб турибди. (қуёш)
- Она Еримизда жуда кўп ..... ўсади. (дарахтлар, ўсимликлар)
- Бири сепади, бири ичади, бири ўсади. (Ёмғир, Ер, ўсимликлар)
- Оппоққина дастурхон Ер юзини қоплаган. (Қор)
- Ер – хазина, ... (сув – гавҳар)
- Сувсиз ..... (ҳаёт йўқ)
- Сув кўпайса ..... (дарё тошар)
- Нимани эксанг ..... (шуни ўрасан)

2 – шарт: Табиатни тасвирланг. Бу шарт хам ўзаро савол-жавоб ёки топишмоқ, шер шаклида бажарилиши мумкин.

- Момиққина онаси – ёғликкина боласи (пахта, чигит)
- Ёзда хам қишда – бир хил кийимда (арча)

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00413

- Ўзи ширин туклигина, мазаси бор тотлигина (шафтоли)
- Пиширсанг ош бўлар, пиширмасанг қуш бўлар (тухум)
- Қизил қиз Ер остида, сочлари Ер устида (сабзи)
- Кўк кўйлакка ғўза ёйдим (осмон, юлдузлар)
- Тутдан бизга кўйлак тўқир (ипак қурти)
- Ул на гумбаздир эшиги туйнугидан йўқ нишон,
  Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдир макон.
  Синдириб гумбазни қизлар холидан олсам хабар,
  Юзларида парда тортиғлиқ турарлар бағри қон. (анор)

3 – шарт. Атроф-муҳитни қандай асраймиз? Бу шартда болалар табиатни асрашга оид ўзлари чизган расмлар, расм тўпламлари (буклетлар), саҳна кўринишлари, ижодий ишлар билан қатнашишлари мумкин. Танлов оҳирида гуруҳлар ҳақида таклиф этилган мехмонлар фикри эшитилади.

ХУЛОСА

Тадбир доирасида бажарилган ижодий ишларни мактабга кириш йўлагида кўргазма қилиб болалар исми фамилияси ва синфини ёзиб мактаб жамоаси ва ўқувчиларга таништириш болаларда ижобий мотивлар ҳосил қилади. Бундай тадбир ва танловларни доимий ўтказиш болалардаги ижодкорлик дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради.

REFERENCES

1. Анна Белокопытова. Экологическое воспитание: цели, мнение, реализуемые программы. https://activityedu.ru/Blogs/edu/chelovek-priroda-edinstvo
2. Захлебный А. Н. Школа и проблемы охраны природы: Содержание природоохранительного образования. М.: Педагогика, 1981
3. А. Зуннунов. Педагогика тарихи. Тошкент-2004
4. Научный журнал. Международный журнал экспериментального образования. ISSN 2618–7159
5. Сувонқулова Х. Ўзбек халқ мақоллари. Т; Адабиёт учқунлари-2014
6. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори. https://lex.uz/docs/3153714
7. Черябкина С.Н. Экологическое воспитание младших школьников средствами народной педагогики (на материале республики Мордовия) Москва - 2010
8. http://ekomaktab.uz/index.php/uz/press-relis2/last-news/140-2019-06-06-16-00-23
9. https://citaty.info/man/albert-shveicer?page=1